

**ОХАНГАРОН ТУМАНЛАРАРО
ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ****Охангарон шаҳар****2024 йил 29 февраль**

Охангарон туманлараро иқтисодий судининг судьяси М.М.Якубовнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Э.Хасамединовнинг котиблигида, аризачи "Ipoteka Bank" АТИБнинг қарздор "Angren Mustafо Fayz" масъулияти чекланган жамиятини тўловга қобилиятсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги аризани тарафлардан аризачи "Ipoteka Bank" АТИБ ишончли вакили Д.Маматов (2024 йил 14 февралдаги 18/545-сонли ишончнома асосида), мувақат бошқарувчиси А.Турғунов ёрдамчиси Қ.Қамбаров (2024 йил 29 февралдаги 12-сонли ишончнома асосида) иштирокида, иш ҳужжатлари билан биргаликда суд биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

"Ipoteka Bank" АТИБ (бундан буён матнда "аризачи" деб юритилади) судга аризаси билан мурожаат қилиб, "Angren Mustafо Fayz" масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда "қарздор" деб юритилади)ни тўловга қобилиятсиз деб эътироф этишни сўраган.

Суднинг 2023 йил 22 декабрдаги ажрими билан қарздор "Angren Mustafо Fayz" масъулияти чекланган жамияти мувақат бошқарувчиси этиб А.Турғунов тайинланган.

Суд муҳокамасида иштирок этган аризачи "Ipoteka Bank" АТИБ ишончли вакили Д.Маматов аризадаги важларни такрорлаб, қарздор "Angren Mustafо Fayz" масъулияти чекланган жамияти томонидан кредит шартномаси мажбуриятлари бажарилмаганлигини, тўлов жадвалида белгиланган муддатларда кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўламаганлигини, натижада гаров шартномасига асосан гаровдаги мол-мулкларга қаратилганлигини, ушбу мулклар кредит қарздорликни тўлиқ сўндириш учун етмаганлигини баён қилиб қарздорни тўловга қобилиятсиз деб эътироф этишни сўради.

Шунингдек судда сўралган мувақат бошқарувчиси А.Турғунов ёрдамчиси Қ.Қамбаров кузатув жараёнида қарздорнинг молиявий ахволи тўлиқлигича ўрганлиланлиги унга тегиш мол-мулклар аниқланмаганлигини, банкдан олган кредит қарзи эвазига мол-мулклари сотилиб кетилганлигини, тўловга қобилиятсизлик ҳолати юзасидан кредиторлар йиғилиш қарори қабул қилинганлигини баён қилди.

Қарздор тегишли тартибда, суд ажрими орқали суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлса-да, бугунги суд муҳокамасида иштирок этмади ҳамда ариза юзасидан ўз эътирозларини билдирмади.



Бироқ, иш ҳужжатларида суд маҳокамаси тайинланганлиги тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд.

Бундай ҳолатда, суд Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда-ИПК деб юритилади) 170-моддаси 3-қисмини инобатга олиб, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин деган хулосага келди.

Суд, ишда тўпланган материалларни ўрганиб чиқиб, уларни таҳлил қилиб, ишда иштирок этувчи аризачи тараф вакилининг тушунтиришларини тинглаб, қуйидагиларга асосан аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексининг 210-моддасида юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг банкротлиги (тўловга қобилиятсизлиги) тўғрисидаги ишлар ушбу Кодексда назарда тутилган қоидалар бўйича, қонун ҳужжатларида белгиланган хусусиятларни эътиборга олган ҳолда суд томонидан кўриб чиқилиши белгилаб қўйилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, "Angren Mustafu Fayz" масъулияти чекланган жамияти 2019 йил 18 февралда 688762-сон билан давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, солиқ органи томонидан солиқ тўловчи сифатида 306154674-сонли (СТИР) рақам берилган.

"Angren Mustafu Fayz" масъулияти чекланган жамиятининг Низом ҳужжатларига асосан жамиятнинг устав фонди 479 270 000 сўмни ташкил этиб, ИФУТ коди 68208 бўлиб, асосий фаолият тури кўп квартирали уйлар ва турар жойларни ижарага бериш ва бошқаришдан иборат бўлган.

Қарздор раҳбари сифатида Шаисматов Воҳидулло Шаҳидуллаевич ишлаб келган.

Тадбиркорнинг юридик манзили сифатида Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Хаккарман-2 кўчаси 240-уй кўрсатилган.

Қарздор "Angren Mustafu Fayz" масъулияти чекланган жамиятининг мол-мулки ҳисобидан солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича боқиманда қарзларини ундириш юзасидан бир нечта суд ижро ҳужжатлари мавжуд бўлиб, ушбу суд ҳужжатларининг ижроси юзасидан олиб борилган ижро ҳаракатлари самарасиз яқунланган.

Мувақат бошқарувчиси томонидан берилган кузатув жараёнида амалга оширилган ишлар юзасидан яқуний хисоботига асосан "Angren Mustafu Fayz" масъулияти чекланган жамиятининг молиявий аҳволи ўрганилганида, 2024 йил 29 февраль ҳолатига жами кредиторлар реестри асосида кредиторлар олдида 1 105 419 564 сўм кредиторлик қарздорлиги мавжудлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасига кўра, тўловга қобилиятсизлик аломатлари қуйидагилардан иборат:

вақтинча тўловга қобилиятсизлик — агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги;



доимий тўловга қобилиятсизлик — агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса, ушбу моддада назарда тутилган қоидалар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиладиганда, жисмоний шахслар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда қўлланилмаслиги белгиланган.

Қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг тўловга қобилиятсизлиги (банкротлик) аломатлари деб эътироф этилади.

Суд, "Angren Mustafо Fayz" масъулияти чекланган жамияти фаолият юритмаётганлиги, кредиторлик қарзлари юзага келган кундан бошлаб уч ойдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамасдан бажарилмаётганлиги, тўлов қобилиятини йўқотганлигини инобатга олиб, "Angren Mustafо Fayz" масъулияти чекланган жамиятини банкрот деб топиб, тугатишга доир иш юритишни бошлашни, Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 118-моддасига мувофиқ, давлат божи ва почта харажатларини қарздор ҳисобидан ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Қонунининг 5, 6, 52, 53, 140, 142, 241, 242-моддалари ва Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 210-моддаларини қўллаб суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Аризачи "Ipoteka Bank" АТИБнинг аризаси қаноатлантирилсин.

Қарздор "Angren Mustafо Fayz" масъулияти чекланган жамияти банкрот деб топилсин ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

Қарздор "Angren Mustafо Fayz" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган мол-мулки ҳисобидан қарздорни тугатиш бошқарувчиси орқали Республика бюджетига 990 000 сўм давлат божи, аризачи "Ipoteka Bank" АТИБ фойдасига 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

"Angren Mustafо Fayz" масъулияти чекланган жамияти банкрот деб эълон қилинган пайтдан бошлаб қарздорнинг ўз мол-мулкани тасарруфдан чиқариши, ўзга шахсга бериши ва пул мажбуриятларини тўлаши тақиқлансин, банкдаги ҳисобварағи бўйича операциялар, дивидендлар ва мажбурий тўловларни тўлаш тўхтатиб қўйилсин.

Қарздорнинг барча қарз мажбуриятларининг муддати ўтиб кетган деб ҳисоблансин, унга янги талабларни тақдим этишга йўл қўйилмасин.

Ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози томон бир ойлик муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилоят судига апелляция шикоят (протести) билан муурожаат қилишга ҳақлидир.

Судья:

М.М.Якубов

